



# СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДА ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ

Фермерлар ва аҳоли хонадонлари учун  
ўқув-ўқувчи қўлланма

Тошкент-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

636.086  
С-99


**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Ўзбекистон Республикаси  
ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси

Б.Т.Норқобилов

“ ” 2021 йил

**СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДА  
ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАРНИ  
ЕТИШТИРИШ**

Фермерлар ва аҳоли хонадонлари учун ўқув-  
услубий қўлланма



Тошкент-2021

**“Суғориладиган майдонларда озуқабоп экинларни етиштириш”  
Ўқув-услубий қўлланма – Тошкент, 2021. 12 б.**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма қишлоқ хўжалиги мутахассислари, чорвачиликка ва озуқабоп экинлар уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжаликлари, дехкон ва томорқа ер эгалари, чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли хонадон эгалари, ҳамда илмий ходимлар, олий ўқув юрти, коллеж ва лицей талабалари учун ўқув-услубий қўлланма сифатида хизмат қилади.

Муаллифлар: қ.х.ф.н. Б.Д.Аллашов, илмий ходим С.Ғ.Жамолов.

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси  
Ўқув-услубий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ



## КИРИШ

Охириги йилларда Республикамизда иктисодий ислохотларни амалга оширилгани, чорвачилик фермер хўжаликларига катта эътибор қаратилаётганини, чорвачиликда озуқа базасини мустахкамлашда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиб, озуқабоп экинлардан юқори ҳосил олиш ҳисобига озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларини ениги чорвачилик соҳаси ходимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари озуқа ишлаб чиқариш технологияси ва тупроқ унумдорлигини сақлаш бўйича илмий асосланган жадал технологиялардан фойдаланиб юқори натижаларга эришилари мумкин.

Республикамизнинг суғориладиган ерларида озуқабоп экинларни экиб жадал Устирши технологиясини таркибий қисмига қуйидагилар киради:

- озуқабоп экинларнинг районлаштирилган энг яхши навларидан фойдаланиш;

- озуқабоп экинларни оралик (аралаш, зичлаштирилган), такрорий ўриб билинадиган ҳамда анғизга экиладиган экин сифатида экиш ем-хашак унинг учун ажратилган ерлардан оқилона фойдаланиш;

- технологик картада белгиланган ишларни ўз вақтида аниқ ва сифатли қилиб бажариш;

- минерал ва органик ўғитлардан ҳамда ўсимликларни барқувватидан химоя қилиш воситаларидан оқилона фойдаланиш;

- таъмир ишларини пишиқ-пухта бажариш ва моддий-техника таъминотини яхши йўлга қўйиш;

- меҳнат унумдорлигини юқори даражада бўлишини таъминловчи ҳамақанчалар хўжалик техникаларидан жадал фойдаланиш.

Юқоридаги талабларга қатъий риоя қилинган тақдирдагина барча турдаги озуқабоп экинлар етиштиришнинг жадал технологиясини жорий қилишни самарадорлигини оширишга, ҳар бир гектар ердан олинадиган озуқа бирлигини кўпайтиришга, етиштириладиган ем-хашак таннархини арзонлаштиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга эришилади.

Бу таъминотда илғор хўжаликлар тажрибалари умумлаштирилган ва бу технологияларни Республикамизнинг ҳар бир худуднинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда мувафакқиятли қўллаш мумкин.

## **Озуқабон экинлар майдонларини ташкил этиш**

Республикамиз чорвачилигини жадал ривожлантиришда озуқабон экин майдонларини ташкил қилиш ҳар гектар ҳисобига ўртача 100-150 ц озуқа бирлиги тайёрлаш шу куннинг энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу асосда турли озуқаларни етиштириш ва тайёрлаш молларни йил давомида бир хил озиқлантириш типига ўтказиш имкониятларини яратади. Молларни кишки ва ёзги рационларида ширали (силос, сенаж ва лавлаги), дағал (беда пичани) ва концентрат озуқалар белгиланган меъёрларда бўлиши шарт ва зарур. Шунинг ҳисобга олган ҳолда озуқабон экин майдонларининг 35% беда, 15% маккажўхори дон учун 5% хашаки лавлаги қолган 45% ни аввало маккажўхори силоси етиштириб бўшаган майдонларга оралиқ озуқабон экинлар (тритикале, сули, арпа, рапс, хашаки пўхат) аралашмасини сенаж тайёрлаш учун экиш маъқул ҳисобланади.

## **Пичан олишга мўлжалланган эски Бедапояларни парвариш қилиш**

Икки ва уч йиллик бедапоялардан асосан пичан тайёрланади, эҳтиёж туғилган ҳоллардагина кўк беда сифатида фойдаланиш лозим.

Бундай икки, уч йиллик бедапояларда жадал технологияни жорий этиш навбатдаги ўрм-йиғим ишларининг ўримдан кейин азотли ўғитлар солиш ва суғориш муддатларини кескин қисқартиришни тақозо этади.

Ҳар бир ҳужаймада маҳаллий tupроқ иқлим шароитлари, мавжуд техника, ўғит ва сув ресурслари эътиборда тутилган ҳолда технологик иш жараёнларини ўтказиш навбатлари ва муддатларининг графиклари тузилиб чиқилади.

Март ойида энди ўсиб ривожлана бошлаган беда ўсимликларини янада яхшироқ гулланиши учун бедапоялар фосфорли (гектарига 90 кг меъёрда) ва калийли (гектарига 60 кг меъёрда) ўғитлар билан озиқлантирилиши ва дискаланиши зарур бўлади. Бунда дискаларнинг қия қилиб жойлаштирилиши минимал бўлиши лозим. Ўсимлик 5-6 см ўсганда бедапоя фитонормасга қарши руҳсат этилган химикатлар билан ишланади ва ёгингарчиликлар бўлишига қараб суғорилади. Агар ёгингарчилик кам бўлса, биринчи ўрм олдидан бир мартаба суғорилади. Шўрлаган ерларга калий ўғити солинмайди, фосфорли ўғитлар эса ерни шўри ювилгандан сўнг солинади.

Бедапоя биринчи ўрмга бутун майдон бўйлаб ҳамма ерда баравар етилади ва максимал даражада ҳосил tupлайди. Шунинг учун ҳам биринчи ўрмни ўсимликлар шоналаётган даврда бошлаш керак. Сенаж тайёрлаш технологияси яхши ўзлаштирилган ҳужаймада биринчи ўрм бедадан сенаж тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Апрель ойининг охиригى ўн кунлиги ва май ойининг бошида кўпинча ёгингарчилик бўлиб, пичани қуритишга ҳалакит беришини инobatга олиб сенаж тайёрлаш технологиясини яхши ўзлаштириш лозим. Беда ҳосили кейинги ўрмларда дастлабки ўрмдагига нисбатан камроқ бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги ўрмларни беда гуллаб бошлаганда ўриш тавсия этилади.

Беда хўжаликда мавжуд бўлган, беда ўриш билан бир вақтда уни майдалаб, қаторларга уюм-уюм қилиб кетадиган бошқа турдаги механизмлар билан ўрилади. Орадан 1-2 кун ўтгач, беда пичанлари яхши қуриши учун уюмлар ағдарилиб чиқилади ва 1-2 кундан кейин йиғиштириб олишга киришилади.

Иш шундай технология асосида ташкил қилинганда биринчи ўрим-йиғим 10-12 кун, ундан кейингилари эса 5-7 кун ичида амалга оширилади.

Пичанлар йиғиштирилиб олингач, бедапояга ўғит селгич машиналар ёрдамида азотли ўғитлар(гектарига 30 кг меъёрда) сепилади ва икки кундан кейин суғорилади. Агар бедазор сезиларли даражада қияликлардан иборат бўлса, навбатдаги ўрим бошланишида 5-7 кун олдин яна бир маротаба суғорилади. Беданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи ўримлари ҳам худди шу тартибда ўтказилади. Ҳар бир ҳолда қанча ўрим йиғим техникаси ва транспорт воситалари керак бўлиши ва аслида уларнинг борлари қанча эканлиги назарда тутилган ҳолда иш кўрилади. Зарур бўлиб қолган тақдирда эса иш икки сменада ташкил этилади.



**1-расм. Бедани пичан учун ўриш**

Барча технологик жараёнлар қулай ва қисқа муддатларда ўтказилиши-бедани 5 марта (жанубда - 6 марта, шимолий вилоятларда -3-4 марта) ўриб, гектар бошига 150-180 центнердан пичан олиш имконини беради.

## Ҳашаки илдизмевали экинларни парваришlash технологияси

Озуқабон экинлар орасида ҳашаки илдиз мевалардан асосан ҳашаки лавлаги экиб ўстирилади, бу бошқа экинларга нисбатан анча сермеҳнат ҳисобланади.

Ҳашаки лавлагини жадал технология асосида экиб ўстириш унинг жадал типдаги юкори ҳосилили “Ўзбекистон ним қанд”, “Эккендорф сарик”, “Ўзбекистон 83”, “Ҳосилдор” каби навларидан фойдаланиш, ерни экишга тайёрлаш, экин ва ўсимликларни парвариш қилиш даврларида технологик картага қатъий амал қилган ҳолда иш тутишни ҳамда ҳосил йиғим теримида механизмлардан имкон борича тулиқроқ фойдаланишни тақозо этади.

Лавлаги экин учун ерни умуман ва экиш олдидан тайёрлаш: шудгорлаш, текислаш, бороналаш, чизеллаш, молалаш ва ҳақозо-лавлаги маккажўхори экинида қўлланиладиган техникалар ёрдамида бажарилади. Лекин, ҳашаки лавлаги бирмунча эрта муддатларда экилиши муносабати билан, ерни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммаси барвақт ва қисқа муддатларда амалга оширилмоғи лозим бўлади.

Ҳашаки лавлаги сеялқаларининг мавжуд бўлган турлари СПЧ-6, СХУ-4 ва бошқалар ёрдамида қаторларининг кенглиги 60,70 ёки 90 см қилиб (муайян ҳўжалиқнинг ўз шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда) марказий зонада (Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсида) - март ойининг биринчи ўн кунлигида. Жанубий вилоятларда феврал ойининг охириларида, шимолӣ вилоятларда апрел ойида экиш тавсия этилади. Ҳашаки лавлаги уруғлари пунктир қилиб экилса, улар униб чиққандан кейин яганаланга ҳожат қолмайди ва натижада бу иш учун сарфланадиган ҳаражатлар камаяди. Экин схемаси қандай бўлишидан қатъий назар, кўчат қалинлиги гектар бошига 70-75 минг тупни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ниҳоллар униб чиққач ва яғана қилинғач (ё кўздан кечириб чикилғач), пайкалларни бегона ўтлардан тозалаб туриш учун қатор ораларига механизмлар ёрдамида ишлов берилади ва қўл чопиғи ўтказилади. Ўсимлик май ойида биринчи маротаба, июн ойида иккинчи маротаба суғорилади.

Ҳашаки лавлаги энг иссиқ даврларида (июн ойида) ҳар 7-10 кунда, август ойида-ҳар 15-16 кунда, сентябр-октябр ойларида бир маротабадан суғориш тавсия этилади.

Ўсимлик барглари сўлиб, фаол ўсиши пасайиб ишловга имконият яратилгандан кейин август ойида яна қатор ораларига бир ишлов берилади.

**Озиклантириш.** Шудгорлашдан олдин гектарига 40-60 тонна чирган гўнг, 60-90 кг дан фосфор ва калий ўғитлари солинади (шўр ерга калий ўғитлари солинмайди). Азотли ўғитлар карбамид ёки аммиакли селитра ҳолида уч марта: экиш билан бир вақтда-гектарига 30-кг дан, қолган қисмини эса ўсимлик биринчи ва иккинчи суғориш олдидан биринчи ва иккинчи озиклантириш пайтида –гектарига 100-120 кг-дан солинади. 10 июлдан кейин солиш-мақсадга мувофиқ бўлмайди.



**2-расм. Ҳашаки лавлаги илдизмева учун экилган дала**

**Йиғим-терим.** Ҳашаки лавлаги ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларида 1 ноябрғача, шимолий вилоятларда - 20 октябрғача, жанубий вилоятларда-15 ноябрғача тугаллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳашаки лавлаги етиштириш учун сарфланадиган жами ҳаражатларнинг 60 фоиздан кўпроғи унинг ҳосилини йиғиб-териб олишга кетади. Республика хўжаликларида ҳашаки лавлаги ҳосилини МТЗ-80 ёки ёки бошқа тракторларга тиркаладиган ғўзапоя юлғич ёки лавлаги йиғич машиналар ёрдамида ковлаб олинади-да, саралаб, тозаланиб, сақлаш жойларига ташиб кетилади.

Ҳар бир фермер хўжалигида маҳаллий шароитларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олингани ҳолда ана шундай график тузилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ҳашаки лавлагини етиштиришда жадал технологияни қўллаш бу экиндан олинадиган ҳосилни кўпайтириш (гектар бошига 800-1000 центнергача) ва сарфланадиган ҳаражатларни кескин камайтириш имконини беради.

## **Силос учун маккажўхори ва кўк озуқага оқ жўхори экиб етиштириш**

Маккажўхори - силос бостиришга ишлатиладиган хом-ашё манбаи сифатида экилади. Бунда “Ўзбекистон-100”, “Ўзбекистон-2018”, “Ўзбекистон-601 ЕСВ”, “Кремнистя УзРОС” навларини экиш тавсия этилади.

Ёрни экишга тайёрлаш тартиби ва ўғит солиш меъёрлари ҳашаки лавлаги экиб ўстиришда қандай бўлса, силосбоп маккажўхорида ҳам шундай



бўлади. Хўжаликда мавжуд бўлган сеялкалар ёрдамида гектарига 25-30 кг дан уруғ сарфланган ҳолда 5-6 см чуқурликка экилади.

Азотли ўғитлар гектарига 30 кг меъёردа экиш билан бир вақтда ва ўсимлик 7-8 тадан барг чиқаргач, уни озиклантириш пайтида гектарига 120-150 кг меъёردа солинади. Маккажўхори 10-12 тадан барг чиқарганда, рўвак чиқара бошлаганда, султонлари гуллаган, сўталарида думбул бўлган даврларида сўғорилади.

Силосбон маккажўхорини сўталари думбул бўлган пайтда ўра бошланиб, сўталари пиниб етилгунча қадар тугалланиши ва бу ишни жуда қисқа муддатда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Озуқа ташиб кетилаётганида йўлларда тўкилиб, нес-нобуд бўлмаслиги учун йўллар текисланади. Силосбон маккажўхори кўк пояларни ўриб-йиғиб олиш ишлари ҳамда ерда бир пайтда тўғри келиб, тиғиз ҳолатлар вужудга келмаслиги учун ҳамда уни ўз вақтида ўриб-йиғиб олишга улгурмаслик натижасида ҳосилни бир қисми нобуд бўлиши мумкин, буни олдини олиш учун бу экинни ўрим-йиғимга олдинма кейин етиладиган майдонларга экилиши мақсадга мувофиқ.

Оқ жўхорини кўк озуқа учун силос йиғиш комбайнлари билан ўриб олинса, унинг навбатдаги ўримгача яхши ўсиши учун имконият яратилган бўлади.

Кўк озуқага бўлган эҳтиёжга қараб экин майдонларини ҳамда чорва молларини оқ жўхори билан озиклантиришнинг давомийлигини режалантириш лозим бўлади.



3-расм. Маккажўхорини силос учун ўриш

Ўта юқори харорат, сув танқислиги ва шўрлаган ерларда маккажўхори яхши ҳосил бермайдиган зоналарда (Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва бошқа вилоятларда) силос учун оқ жўхорини “Ўзбекистон-18”, “Тошкент оқ донлиси” навларини экиб ўстириш яхши натижалар беради. Бунда экиб юқори ҳосил олиш мумкин.

## **Кўк озуқа етиштириш**

Республикамиздаги кўпгина туманларнинг (шимолий туманларидан ташқари) табиий-иқлим шароитлари кўк озуқа етиштириш учун суғориладиган ерларда деярли йил ўн икки ой фойдаланиш имконини беради. Озуқабоп экинлар баҳорги (ёзги) ва кузги оралиқ экин сифатида, ёзда (августда) ги беда билан бошоқли ўсимликларни, беда билан судан ўтинини ёки кўп марта ўриб олинувчи оқжўхорини аралаш қилиб экиш йўли билан етиштирилади.

Чорва молларини тўйимли озуқалар билан таъминлаш учун ҳар бир ҳўжаликда кўк озуқаларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда у ёки бу экин экиб ўстиришнинг аниқ мўлжали ва экинларнинг биологик хусусиятлари (баҳорда ёки кузда экилгани) ҳисобга олингани ҳолда улардан самарали фойдаланиш муддатлари белгиланиши лозим.

## **Ёзда маккажўхори экиш**

Республикамизнинг кўпгина туманларида кузги бугдой йиғиштириб олингандан сўнг ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун 2,5-3 ой вақт бўлиб, бу даврда маккажўхорининг дон ёки силосга экиб ҳосил олиш мумкин. Силос учун маккажўхорини Ўзбекистон 601 ЕСВ дурагайи, Ўзбекистон-2018, Ўзбекистон-100 ва Универсал навлари, дон учун-Қорасув 350 АМВ ёки тезпишар ҳорижий давлатлар дурагайларини экиш мумкин.

Юқори ҳосил олиш технологияси қуйидагилардан иборат. Бугдой ҳосили ва сомони даладан йиғиштириб олингандан сўнг, далага гектар ҳисобига 90 кг фосфорли ўғит солиб, 25 см чуқурликда ҳайдалади ва дала текисланиб гектарига 30-35 кг маккажўхори 5-6 см чуқурликда экилиб, суғориш учун эгатлар олинади.

Силосга экилган маккажўхори поясини оқсил билан бойитиш ва тупрок унумдорлигини сақлаш учун қаторлараро соянинг “Дўстлик” ва “Ўзбекистон-6” навлари қўшиб экилад.

Экиш муддати Тошкент вилоятида 25-28 июн, силосга 1 августача. Ниҳоллар тўлик униб чиққандан сўнг культивация қилинади, ўсимликларда 7-8 барг чиққандан сўнг гектарига 100-120 кг азот билан озиклантирилади. Суғориш: биринчи сув уруғ экилгандан сўнг, иккинчи озиклантирилгандан сўнг, учинчи рўвак олиш даврида ва тўртинчи сут пишиғи даврида ўтказилади.

Силос учун экилган маккажўхори ҳосили комбайнлар ёрдамида йиғиштирилади.

## Ўзда экиладиган беда

Силос ёки дон учун экилган буғдой, маккажўхори, сабзавот, каноп экинларининг ҳосилин йиғиштириб олингач, улардан бўшаган майдонлар суғорилади, аммофос билан гектарига 200 кг меъёрда ўғитланиб ва 28-30 см чуқурликда ҳайдаланади. Сўнгра ҳайдов пайтида ҳосил бўлган марзалар, уйдум-чуқур жойлар текисланади, диска ва молалаб, тупроқ майин холга келтирилади. СЗ-3,6, СЗТ-4,8 маркали ва бошқа сеялқалар ёрдамида бир вақтнинг ўзида тритикале ёки жавдар уруғлари гектарига 40 кг ва беда уруғлари гектарига 16-18 кг меъёрда экилади. Бу экинларнинг уруғлари сеялқанинг алоҳида-алоҳида яшиқларига солиниб, 3-4 см (тритикале, жавдар) ва 1-2 см (беда) чуқурликка экилади. Экиш билан бир вақтда ёки экишдан сўнг дарҳол жўяклар олиниб, экинларни бир текис ундириб олиш мақсадида суғорилади.

Куз илик-иссиқ келса, ноябр ойининг биринчи-иккинчи ўн кунликлари даврида экинни кўк озука учун бир марта ўриб олиш имконияти туғилади.

Беда экилгандан кейин иккинчи йилнинг март ойида азотли ўғитлар гектарига 30-40 кг меъёрда озиқлантирилиб суғорилади. Апрель ойининг учинчи ва тўртинчи беш кунликларида КУФ-1,8 ёки Марал ёрдамида кўк озука сифатида ўриб олинади ва кетидан гектарига 30 кг меъёрда азотли ўғитлар солиниб суғорилади.

Жавдар ва тритикале қайтадан ўсиб, май ойининг охирларида беда билан биргаликда яна ўримга келади. Ундан кейинги ўримларда ўтзор майдонларда фақат беда ўсади.

## Оралик экинлар экиш технологияси

Озуқабон экинларни оралик экин сифатида экиб ўстирилганда куйидаги шартларга риоя қилинса, улардан яхши самара олинади:

- аввалги экинлар йиғиштириб олингандан кейин қисқа муддат ичида ерни қайтадан экишга тайёрлаш;
- экинларни ўз вақтида экиб олиш;
- оралик экинлар навларининг ёзги ва кузги экиш муддатларини тўғри танлаб, бир-бирига мутаносиб равишда экиш.

Буғдой, силос учун экилган маккажўхори ва эртаги сабзавотлар йиғиштириб олингач, ўрнига яна маккажўхори экиш мақсадга мувофиқ бўлмайдиган қолгани тақдирда, бўшаган майдонларга баҳорги оралик экинлар: сули билан бирга ҳашаки нўхат аралаштириб экиш тавсия этилади. Бу экинларни экиш учун ерни тайёрлаш тартиби худди ёзда (август ойида беда экилганда қандай бўлса, шундай бўлади).

Оралик озуқабон экинлар тритикале, сули, ҳашаки нўхат аралашма ҳолда октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида экиш тавсия этилади.


Экиш меъёри: тритикале уруғлари гектарига 75 кг; сули уруғлари гектарига 40 кг, ҳашаки нўхат уруғлари гектарига 75 кг. Экиш чуқурлиги 3-4 см. Экинлар экиб бўлгандан кейин жўяк олиниб, уруғ суви берилади.



4-расм. Оралиқ экинлар экилган дала

Ўзги оралиқ экинлар шудгордан олдин солинган ўғитлар суперфосфат ёки аммофосдан ташқари аммиак селитраси гектарига 60 кг метёрда озиклантирилади. Кузги экинлар ҳам баҳорда худди шу метёрда озиклантирилиб, 2-3 марта суғорилади.

Тритикале ва сули най чиқара бошлаганидан то донлари сутли даври бўлгунига қадар кўк озуқа сифатида ўриб олинishi мумкин. Ўзги оралиқ экинлардан кўк озуқа сифатида октябр ойининг охири - ноябр ойининг бошларида; кузги экинлардан эса апрел-май ойларида фойдаланилади.



## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
Озукабон экинлар майдонларини ташкил этиш.....	4
Пичан олишга мўлжалланган эски бедапояларни парвариш килиш.....	4
Ҳашаки илдизмевали экинларни парваришlash технологияси.....	6
Силос учун маккажўхори ва кўк озукага оқ жўхори экиб етиштириш.....	7
Кўк озуқа етиштириш.....	9
Ёзда маккажўхори экиш.....	9
Ёзда экиладиган беда.....	10
Оралик экинлар экиш технологияси.....	10

10,000 c



“XALQ NASHRIYOTI” XKda chop etildi.  
Manzil: Toshkent sh., Qorasaroy ko‘chasi, 316 uy.  
Tel.: (71) 242-05-10; (95).170-04-02; (99) 040-04-02.  
buyurtma adadi 200 nusxa. Qog‘oz bichimi 297x420 1/8.

